



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI HOKIMINING QARORI

Andijon shaxar, Abdurauf Fitrat ko'chasi 239-uy

2021 - yil 5 - oktabr

85-1-0-Q/21

Andijon viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5204-сонли қарори тўғрисида

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан коплаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5204-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги “Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5204-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ—6260-сон Фармонида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланганлиги;

2021 йилнинг август ойида аҳолининг қуйидаги қатламларига 500 минг сўм миқдоридан бир марталик моддий ёрдам (кейинги ўринларда — бир марталик моддий ёрдам) кўрсатилиши:

боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига;

ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга;

б) Мазкур қарорнинг 2-банд “а”-кичик бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланганлиги:

“Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандларига бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш харажатлари — республика бюджети маблағлари;

бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва бошқа органлардан боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек,

ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш ҳаракатлари — **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда вазирлик ва идораларга ажратилган бюджет маблағлари;**

в) Қуйидагилар бир марталик моддий ёрдамнинг ушбу қарорга мувофиқ мақсадли ва манзилли етказилишини таъминлаш юзасидан **шахсан масъул этиб белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона кўмитаси, суд ҳокимиятининг олий органларидан — тегишлилиги бўйича боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун белгиланган муддатларда ва манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида ажратилиши бўйича;

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи М.Нишанов, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари — “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг жорий йил 25 августга қадар манзилли етказилишини таъминлаш ва назорат қилиш юзасидан **шахсан масъул этиб белгилансин.**

4. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби Э.Матисаков, вилоят молия бош бошқармаси (С.Раҳманов) вилоят телерадиокомпанияси (А.Исраилов), вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (З.Гаджибаев) билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда масъул ва шахсий жавобгар этиб вилоят ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи М.Нишанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсуновга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдурахманов